

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАЕВА НОЗИМА ДЖУРАБОЙЕВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА СЕҲРЛИ ПРЕДМЕТЛАР
ОБРАЗЛАНТИРИЛИШИНING МОТИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Джумаева Нозима Джурабойевна

Инглиз ва ўзбек халқ эртакларида сеҳрли предметлар образлантирилишининг
мотивацион хусусиятлари 3

Джумаева Нозима Джурабойевна

Мотивационные особенности изображения волшебных предметов в
английских и узбекских народных сказках 23

Djumaeva Nozima Djuraboevna

Motivational Features of the Depiction of Magical Objects in English and Uzbek
Folk Tales..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАЕВА НОЗИМА ДЖУРАБОЙЕВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА СЕҲРЛИ ПРЕДМЕТЛАР
ОБРАЗЛАНТИРИЛИШИНING МОТИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.3.PhD/Fil981 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна
филология фанлари доктори, профессор

Қаҳҳорова Ирода Сиддиқовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (155 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «05» сентябрь куни тарқатилди.
(2022 йил «05» сентябрь даги 22-15 - рақамли реестр баённомаси).



М.К.Бақоева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол. ф. д., профессор

З.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М. Жўраева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида Ғарб ва Шарқ поэтик ҳодисаларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини, ўзаро таъсирини қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб, типологик ва специфик белгиларини аниқлашга ҳамиша катта эътибор билан ёндашилган. Бу жиҳатдан инглиз ва ўзбек халқ эртақларида турли сеҳрли предметларнинг Ғарб ва Шарқ анъаналари асосида образлантирилишига ҳам қизиқиш ҳамиша юқори бўлган. Инсоният тафаккурининг илк маҳсули бўлмиш эртақлардаги сеҳрли предметлар образларининг тасвири ва талқини, мотивацион хусусиятлари ва поэтик вазифаларини антропоцентрик парадигма асосида очиш, тилсим предметлар ёрдамида асардаги миллий-маданий олам манзарасининг ифода этилишини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё фольклоршунослигида жаҳон халқларининг турли маконда яшаб, ҳар хил тизимли тилларда сўзлашиб келаётганига қарамай, улар томонидан жуда қадим замонлардаёқ яратилган фольклор асарларида ўхшаш образ ва мотивлар борлиги алоҳида эътиборни тортиб келган. Шундай ўхшашликни ўзида ёрқин намоён этувчи турли маданият соҳиблари бўлмиш инглиз ва ўзбек халқларининг сеҳрли-фантастик эртақларидаги тилсим предметлар образининг бадиияти, функционал-мотивацион моҳияти, уларнинг анимистик, тотемистик, фетишистик сингари қадимги дунёқараш шакллари асосида пайдо бўлишини тадқиқ қилиш, генетик яқинлигини, ҳаётий ва мифологик, тарихий-ижтимоий асосларини очиш, поэтик вазифаларига кўра умумий ва хусусий белгиларини аниқлаш, миллий маданий хусусиятларни қай даражада ифодалаб келишини таҳлил қилиш инсоният бадиий тафаккури тадрижини жаҳон фольклори контекстида очиб бериш қонуниятларини белгилашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда ҳозирги кенг ислохотлар амалга оширилаётган юксалиш босқичида “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мустақил давлат ўз миллий манфаатини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши”¹ зарурдир. Шу маънода маънавиятимиз асосларидан бири бўлган фольклордаги сеҳрли-фантастик эртақларнинг сюжети, мотивлар таркиби, уларда ғаройиб предметлар образининг генезиси, бадиий кўринишларини аниқлаш оғзаки адабиётга хос қонуниятларни, тарихий жараёнларни умумлаштириш имконини беради. Шунинг учун инглиз ва ўзбек эртақларида тилсим предметлар сеҳрли-фантастик эртақларнинг табиатини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини асослаш, уларнинг халқ миллий-маданиятини ва руҳиятини ифода этишини таҳлил қилиш қиёсий фольклоршунослик ва адабиётшуносликнинг кўп қиррали

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // www.lex.uz

имкониятларини очиб берувчи янги йўналиш сифатида долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эртақлар мавзуси, хусусан, сеҳрли-фантастик эртақлар, улардаги сюжет ва мотивлар ҳамда образлар фольклоршунослик ва қиёсий адабиётшунослик доирасида ўрганилиб келинмоқда. Қиёсий адабиётшуносликда Ю.И.Минералов, В.И. Жирмунский, А.Дима, Д.Дюришин, Г.Халлиева, А.Қосимов каби олимлар Шарқ ва Ғарб адабиётидаги ўхшаш сюжет ва мотивлар ҳамда образлардаги типологик ўхшашликлар ва фарқлар каби масалаларга муносабат билдиришган ².

Жаҳон эртақшунослигида Дж.Зайпс, Р.Боттигхаймер ва В.Я.Пропп тадқиқотлари муҳим ўрин тутди ³. Инглиз фольклоршунослигида Дж.Джейкобс, А.Ф.Стил, Э.Лэнг, Р.Кервен, Э.С.Хартланд, К.Лэрингтон, А.Сколей, Д.Фэнг каби олимлар инглиз эртақшунослиги ва сеҳрли предметлар ўрганилишига ўз ҳиссаларини қўшишган ⁴.

²Минералов Ю.И. Сравнительное литературоведение. – Москва: Высшая школа, 2010. – 383 с.; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и запад. – Ленинград: Наука, 1979. – 493 с.; Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. – Москва: Прогресс, 1977. – 231 с.; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – Москва: Прогресс, 1979. – 318 с.; Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. – Тошкент: Академнашр, 2020. – 160 б.; Қосимов А., Ҳамроқулов А., Хўжаев С. Қиёсий адабиётшунослик. – Тошкент: Баркамол файз медиа, 2019. – 160 б.

³Zipes J. Why fairy tales stick. The Evolution and relevance of a genre. – London: Routledge, 2006. – 331 p.; Zipes J. Golden age of folk and fairy tales. – USA, 2013. – 256 p.; Bottigheimer R. Magic tales and fairy tale magic: from Ancient Egypt to the Italian Renaissance. – London, 2014. – 208 p.; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: Ленинградский университет, 1986. – 365 с.

⁴Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – 369 p.; Flora Anie Steel. English fairy tales. – London, 2005. – 142 p.; Kerven R. English fairy tales and legends. -London, 2019. – 100 p.; Hartland E.S. English fairy and other folk tales. – London, 2018. – 214 p.; Scholey A. Magical Rings in Middle English Romance. An Interdisciplinary Study in Medieval Literature and Material Culture. Department of English the University of

О.А.Плахова⁵, Л.В.Эпоева,⁶ М.В.Ивченко⁷, О.И.Лещенко, О.В.Белова, Т.Володина, Н.В. Соловьёва кабилар эртақлар мавзусини антропоцентрик йўналишлар асосида тадқиқ қилишган⁸.

Ўзбек фольклори таржимашунослигининг шаклланиши ва назарий тараққий топишида ҳозиргача Р.Файзуллаева, Ш.Рўзиев, Й.Нурмуродов, Б.Шамсиева, Х.Рўзимбоев, З.Жуманиёзов, Б.Сувонқулов, Ҳ.Юсупова, М.Жўраева, У.Йўлдошев, Р. Қосимовалар томонидан яратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этди⁹. Шундан М.Жўраева, Р.Ширинова, Р.Файзуллаева, Й.Нурмуродов, Ҳ.Юсупова, О.Файзуллаевларнинг диссертациялари бевосита эртақлар мавзусида экани билан алоҳида эътиборга лойиқ. Уларда ўзбек халқ эртақларининг немис, француз, инглиз тилларига таржимаси муаммолари тадқиқот предметиға айлантирилган. О. Холмуродова инглиз ва ўзбек эртақларининг қиёсий-типологик жиҳатларини, С. Қўчқорова ўзбек ва француз эртақларидаги маданий рамзларнинг коммуникатив-прагматик ролини ўрганган¹⁰. З.Расулова диссертациясида ўзбек халқ эртақларидаги сеҳрли предметларнинг келиб чиқиши, турлари ва вазифалари тадқиқ қилинган¹¹. Бироқ, сеҳрли предметлар образининг инглиз ва ўзбек халқ

Birmingham 2009. – 70 p.; Fang D. *Magical objects in Victorian literature. Enchantment, Narrative Imagination, and the Power of Things*. Dissertation for the degree of doctor of philosophy, – Nashville, 2015. – 197 p.

⁵Плахова О.А. Английские сказки в этнолингвистическом аспекте: Автореф. канд. дисс. филол. наук. – Нижний Новгород, 2007. – 24 с.

⁶Эпоева Л.В. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты изучения языка волшебной сказки (на материале английского и русского языков): Автореф. канд. дисс. филол. наук. – Краснодар, 2007. – 20 с.

⁷Ивченко М.В. Функционально-семантические и лингвокультурологические особенности вербализованного концепта «волшебство» в сказачном и рекламном дискурсах: Автореф. канд. дисс. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2010. – 22 с.

⁸Лещенко, О.И. Антропоцентризм в англоязычной сказке как концепт мироотношения [Текст] / О.И. Лещенко // *Сучасна картина світу: інтеграція наукового та позанукового знання: збірник наукових праць*. – Суми: ВВП «Мрія -1» ЛТД, 2002.

⁹Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1972. – 225 с.; Рузиев Ш. К вопросу узбекско-немецких литературных связях: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1974. – 30 с.; Нурмуродов Й. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1983. – 192 с.; Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении: Фил. фан. номз. дисс. – Т., 1994; Рўзимбоев Х. Хоразм фольклорининг хорижда ўрганилиши тарихидан: Фил. фан. номз. дисс. – Т., 1996; Сувонқулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – 26 б.; Жуманиёзов З.О. “Равшан” достони немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – 25 б.; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 2011. – 149 б.; Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2017. – 87 б.; Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.; Касимова Р.Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2018. – 169 б.; Файзуллоев О.М. Ўзбек фольклоридаги лингвокультуремаларнинг инглизча таржимада берилиши (болалар фольклори ва эртақлар мисолида): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Т., 2019. – 162 б.

¹⁰ Холмуродова О. Ўзбек ва инглиз кумулятив эртақларининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. – Тошкент, 2020. – 63 б.; Қўчқорова С. Ўзбек ва француз эртақларида маданий рамзларнинг коммуникатив прагматик роли: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати – Самарқанд, 2022. – 61 б.

¹¹Расулова З. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида “ғаройиб буюмлар” (спецификаси, генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Т., 2012. – 26 б.

эртақларидаги мос вариантлари, уларнинг мотивацион хусусиятлари, поэтик вазифадошлиги, уларда миллий-маданий белгиларнинг ифодаси ҳали махсус ўрганилган эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Бухоро давлат университетининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Прагматлингвистика, функционал таржимашунослик ва тил ўргатиш жараёнлари интеграцияси» мавзусидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги сеҳрли предметлар образининг ўрни, генезиси, бадиий кўринишларидаги муштараклик ва индивидуаллик, уларнинг мотивацион хусусиятлари, миллий-маданий белгилари, поэтик вазифалари жиҳатидан ўхшашлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғаройиб предметлар сеҳрли-фантастик эртақларнинг табиатини ҳамда сюжет бадииятини белгиловчи муҳим омиллардан бири сифатида алоҳида ўрин тутишини асослаш ҳамда улар билан боғлиқ мотивларнинг антропоцентрик белгиларини ёритиш;

инглиз ҳамда ўзбек эртақларида сеҳрли предметлар образининг анимистик, тотемистик, фетишистик сингари қадимги дунёқараш шакллари асосида пайдо бўлгани жиҳатидан генетик яқинлигини очиш ва уларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек эртақларида халқнинг тўкин турмуш, қулай шароит ҳақидаги орзу-истақлари асосида яратилган кийим-кечак, безак ва тақинчоқ, озиқ-овқат, уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғ, мусиқа асбоблари шаклидаги сеҳрли предметларнинг бадиий кўринишларини аниқлаш ва статистик ҳамда когнитив таҳлилинини амалга ошириш;

инглиз ва ўзбек эртақларидаги халқ миллий-маданий дунёсини намоён этувчи сеҳрли предметлар образларини этнофольклористик ва фалсафий-культурологик таҳлилга тортиш;

инглиз ҳамда ўзбек эртақларидаги сеҳрли предметларнинг поэтик вазифаларига кўра умумий ва хусусий белгиларини, функционал-мотивацион хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек халқ эртақлари тўпламлари асосий манба сифатида танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек эртақларидаги сеҳрли предметлар образлантирилишининг мотивацион, поэтик хусусиятлари ва уларнинг бадиий-эстетик вазифалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, фалсафий-культурологик, ижтимоий-психологик, таснифлаш, функционал, статистик, аналитик ва этнофольклористик методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз ҳамда ўзбек эртақларидаги сеҳрли предметлар образининг тарихий-фольклорий, бадиий-эстетик асослари қадимги инсонларнинг

анимистик, тотемистик, фетишистик сингари илк дунёқарашларига бориб тақалиши жиҳатидан яқинлиги аниқланган;

инглиз ва Европа маданиятидан дарак берувчи тилсимли предметларнинг концептуал, фрейм, лингвокультурологик хусусиятлари *сеҳрли арфа, дудка, скрипка, карнай, печь, Жонни кейк, Беннок, пуддинг* каби миллий реалияларда, ўзбек халқининг миллий-маданий қадриятлари эса *сеҳрли ковуш, паранжи, кулоҳ, рўмол, пиёла, супра, сандиқ, дутор, най, кулча, булоқи* каби магик буюмларнинг образлантирилишида намоён бўлиши асосланган;

турли тизимли тилларда сеҳрли предметлар образлантирилишининг мотивацион хусусиятлари когнитив ва функционал майдон таркибий бирликларининг таснифий омиллари эканлиги ва уларнинг доминант компонент (ядро) атрофида бирлашувчи иккиламчи (периферик) элементлар қўлланишини воқелантирувчи куч эканлиги исботланган;

инглиз ҳамда ўзбек эртақларида сеҳрли предметлар образини гавдалантирувчи функционал-мотивацион хусусиятларнинг ҳамда улар воқелантирадиган вазифаларнинг индивидуал ва муштарак жиҳатлари қиёсий таҳлил қилиниб, икки халқ эртақларидаги тилсим предметларда поэтик вазифадошлик устунлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек эртақларидаги сеҳрли предметлар образининг тасвирланишига хос миллий ва бадиий хусусиятларни, генезиси ҳамда поэтик вазифаларидаги ўхшашликларни ҳозирги назарий тафаккур нуқтаи назаридан ёритиш; бадиий-эстетик вазифаларини далиллаш; турларини семантик ва функционал таҳлил қилиш фольклоршунослик, адабиёт назарияси фанларидан яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

ғаройиб предметларнинг эртақ бадиий сюжетини шакллантиришдаги роли, фантастик эртақлар табиатини белгилашдаги ўрни ҳамда ўзига хос мотивацион ва функционал жиҳатларини тадқиқ қилиш бугунги кунда ёш авлоднинг илмий тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган илмий-методологик ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, фалсафий-культурологик, ижтимоий-психологик, таснифлаш, функционал, статистик, аналитик ва этнофольклористик методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда чиқарилган назарий хулосалар эртақ поэтикаси ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириши, тилсим предметлар образининг турли маконда яшаб, ҳар хил тизимли тилларда сўзлашиб келаётган инглиз ва ўзбек халқи эртақларида вазифадош кўринишлари учраши аниқлагани, бу ҳақдаги хулосалар эса жаҳон эртақчилигининг поэтик

тараққиёт тамойилларини белгилашда, унинг ўзига хос босқичларини, бадий ички шакл типларини аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан олий ва ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ёшларга адабий-назарий маълумотлар беришда, жаҳон фольклорини ўргатишда, шунингдек, тадқиқотнинг хулоса ва материалларидан қиёсий адабиётшунослик бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва магистрлик ишларини ёзишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек халқ эртақларида сеҳрли предметлар образлантирилишининг мотивацион хусусиятларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижа ва хулосалар асосида:

инглиз ва ўзбек халқ эртақларида сеҳрли предметлар образининг тарихий-фольклорий асослари мифларга бориб боғланишини асослаш учун жаҳон ва ўзбек эртақларидаги сеҳрли предметлар образининг специфик хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, уларда миллийлик ифодасини аниқлашга қаратилган хулосалардан Навоий давлат педагогика институтида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ХТ-0-19919А-1-118 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Навоий давлат педагогика институтининг 2021 йил 28 июндаги 8887-1828/04-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа иши инглиз ва ўзбек эртақларида ўхшаш сеҳрли предметлар образининг генезиси, кўринишлари, вазифалари, мифологик, бадий-эстетик талқин хусусиятлари орасидаги яқинликлар ва ўзига хосликларга оид янги илмий манба ва маълумотлар билан бойиган;

ҳар бир халқнинг эртақларида тўкин ва фаровон турмуш, қулай ва бахтли ҳаёт ҳақидаги юксак орзу-интилишлари кийим-кечак, безак ва тақинчоқ, озик-овқат, меҳнат ва жанг қуроллари, уй-рўзғор буюмлари шаклидаги тилсим предметлар турли хил кўринишларда ва бадий вазифаларда намоён бўлишига хос хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2011-2014 йилларда бажарилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 30 июндаги 1386/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги сеҳрли предметларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини қиёслаб ўргатиш, бунда ахборот-коммуникацион технологиялар асосида виртуал ресурслар яратилган ҳамда ўқув жараёнига жорий қилинган;

инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги сеҳрли предметларнинг образлантирилишига хос хусусиятларни қиёсий-типологик ўрганиш орқали уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини, миллийлик ифодасини очиқ беришга қаратилган мазкур тадқиқот илмий натижаларидан 2018-2019

йилларда Бухоро давлат университетига бажарилган АҚШнинг SUZ800-18-IN0049 рақамли “Китобхонлар клуби” (“Readers Club at the Department of the English Literature”) мавзусидаги хорижий лойиҳасини ушбу клуб фаолиятини ташкил қилиш ва олиб боришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 29 июндаги 05-01-0317-сон маълумотномаси). Натижада “Китобхонлар клуби” аъзоларининг қиёсий адабиётшунослик ва фольклоршуносликка оид кизиқиш, билимлари оширилишига ҳамда ўқувчи-китобхонларда лингвистик ва коммуникатив қобилиятнинг такомилга эришилган;

инглиз ҳамда ўзбек эртакларидаги сеҳрли предметлар образининг поэтик вазифадошлигига хос такомил белгилари, индивидуаллик ҳамда умумийлик, яқинлик ва муштараклик қирраларига доир хулосалардан Бухоро телеканалининг “Ассалом Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” телекўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 9 июндаги 1/161-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувларни тайёрлашда инглиз ва ўзбек халқ эртакларидаги сеҳрли предметларнинг қиёсий таҳлили билан боғлиқ айрим мулоҳазалар телеканал ижодий жамоасининг қиёсий адабиётшунослик ва фольклоршунослик муаммолари ҳақида мулоҳаза юритиш, телекўрсатув учун тайёрланган материаллар мазмунини мукаммаллаштириш, илмийлигини бойитиш, оммабоплигини кучайтиришга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 6 та республика ва 4 та хорижий илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, улардан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Инглиз ҳамда ўзбек эртакларида сеҳрли предметлар образининг ўрни ва генезиси” деб номланган биринчи боби

“Сеҳрли эртақларнинг инглиз ва ўзбек адабиётшунослигидаги тадқиқи”, “Ғаройиб предметларнинг эртақлардаги функционал-мотивацион моҳияти” ҳамда “Сеҳрли-фантастик эртақларда сирли предметлар образининг келиб чиқиш асослари” номли уч фаслдан таркиб топган бўлиб, ушбу бобда эртақларнинг ўрганилиши, эртақ жанри ҳақида назарий қарашлар, инглиз ва ўзбек эртақшунослигининг ривожланиши, сеҳрли предметларнинг ўрганилиши ва уларнинг эртақ композицияси ҳамда бадииятидаги ўрни, уларнинг генезиси ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Эртақ жанри қадимги инсонларнинг мифологик тасаввур-тушунчалари, анимизм, тотемизм, фетишизм, магия, шомонликка алоқадор ишонч-эътиқодларидан тортиб, илк турмуш маданиятига оид урф-одат ва маросимларни ўзига хос бадиий шаклда ифодалаб келиши билан қизиқарли, ғаройиб воқеаларга бой сюжет касб этади. Сюжети ҳаёлий ва ҳаётий воқеаларни, ахлоқий фазилятлар талқинини камраб олади. Композицион қурилиши барқарорлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли эртақлар халқ оғзаки ижоди намуналари орасида энг кўп эътиборни тортувчи ва таржима қилинувчи асарлардан саналади.

Маълумки, сеҳрли эртақлар эртақларнинг алоҳида мавзуй турларидан бирини ташкил қилади. Бундай эртақ турида воқеалар ҳаёлий уйдирма – фантастика, сеҳр-жоду, эпик талқин асосида баён этилади. Уларда бош қаҳрамоннинг ботирлиги, кўркмаслиги, паҳлавонлигини мадҳ этиш ҳамиша устуворлик қилади. Унинг ғолибликка эришишига ҳомий кучлар мадад беради. Хусусан, улар томонидан тухфа этилган тилсим предметлар, ғаройиб хусусиятли нарсалар қаҳрамонга яқиндан кўмакдош бўлади.

Европа фольклоршунослиги ва адабиётшунослигига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган адабиётшунос, культуролог олим Джек Зайпс эртақнинг пайдо бўлиши, унинг тарқалиши ва жанр сифатида ривожланиши ҳақида назарий фикрларни баён қилган. Шунингдек, эртақларда магиянинг роли, улардаги мотивлар ва сюжетлар, турли халқ эртақларида уларнинг ўхшашлиги ҳақида мулоҳаза юритган.

Джек Зайпс эртақни бутун дунёга тарқалган полигенетик маданий артефакт деб таърифлайди¹². Олимнинг фикрича, эртақ инсониятда нутқ пайдо бўлиши билан пайдо бўлган қадимий ҳодиса бўлиб, у жанр сифатида ривожланар экан, унда инсоният тафаккурининг ривожланишини кўриш мумкин. Сеҳрли эртақлардаги сеҳр-жоду, магик буюмлар ва образлар, сеҳрли мотивлар инсонларнинг ишонч-эътиқодлари, орзулари, улар онгидаги фикрлар маҳсули сифатида пайдо бўлган бўлиб, эртақ композициясидаги ҳар бир элемент инсон бахти учун, унинг орзуларининг амалга ошиши учун хизмат қилади¹³. “Irresistable Fairy Tale” асарида олим эртақни когнитив ёндашув асосида таҳлил қилар экан, унинг инсон онги, тафаккури ва билиш даражаси билан боғлиқ равишда вужудга келганлигини алоҳида таъкидлайди.

¹² Zipes J. Why Fairy Tales Stick. The Evolution and Relevance of a Genre. – New York: Routledge, 2007. – .15.

¹³ Zipes J. The Irresistable Fairy Tale– New York: Routledge, 2007. – P.25.

Олим эртақнинг бутпарастлик ва юнон рим мифларига бориб тақалишини, халқнинг ижтимоий ва маданий ҳаётини намоён этишини, инсон ва атроф муҳит орасидаги муносабат, маданият билан чамбарчас боғлиқлигини, ижтимоий ҳаракатларнинг вербаллашуви эканини алоҳида айтиб ўтади.

Европа сеҳрли эртақлари мавзусида тадқиқот олиб борган Р. Боттигхаймер замонавий эртақларнинг энг оммалашган сюжети Ренесанс даврида Венецияда шаклланган деган хулосага келган¹⁴. У ўз тадқиқотида сеҳрнинг фойдали ва зарарли таъсирлари ўртасидаги мувозанатни, унинг таркибий қисмлари, параллел дунё ва реал дунёдаги ғайритабiiй мавжудотларнинг инсонлар билан муносабати талқинини ўрганиб чиққан. Қадимги дунё сеҳрли эртақларида илоҳиётлар асосий ўринда эди, яҳудий ва мусулмонларнинг ўрта асрлардаги эртақларида эса сеҳр устидан ягона назоратни, яъни яккахудолик талқинини кўриш мумкин. Яҳудий ва мусулмонларнинг сеҳрли эртақларида якка худолик якқол кўриниб турган бир пайтда, грек ва рим магик эртақларида кўпхудолик талқини кузатилади. Уйғониш даври сеҳрли эртақлари булардан фарқли равишда, одамзодни марказий ўринга кўяди ва кўпинча сеҳр-жодудан салбий қаҳрамонлар азият чекади.

Биринчи бобнинг “Ғаройиб предметларнинг эртақлардаги функционал-мотивацион моҳияти” номли иккинчи фаслида ғаройиб предметлар эртақлардаги воқеалар тафсилотига сирлилик бағишлаб, уларнинг бадий таъсирчанлигини кучайтириши, эртақларнинг сюжет-мотив тузилишидаги муҳим ўрни, шу билан бирга, улардаги сюжет воқеаларининг ривожланиб боришига туртки бўлиши, эртақ қаҳрамонларининг характерини очиб беришга хизмат қилиши изоҳланган.

Ғаройиб предметлар эртақ сюжети ва мотивлари билан бевосита боғлиқ ҳолда образлантирилади. Мотив ажралмас ҳикоя бирлиги бўлиб, семантик жиҳатдан мотив ғоясини А.Н.Веселовский фанга киритди ва унинг такрорланиши ҳамда ажралмаслигини асосий хусусият сифатида таъкидлади¹⁵. А.Н.Веселовский сюжетни мотивлар мажмуаси сифатида таърифлар экан, мотивни асосий, сюжетни эса иккинчи даражали деб ҳисоблайди. *Ўғай қизнинг уйни тарк этиши, отанинг уч ўғли борлиги, сеҳрли буюмнинг отадан ўзилга мерос қолиши* кабилар мотивга мисол бўла олади. В.Я.Пропп ҳам эртақларни сюжетлар бўйича эмас, балки мотивлар бўйича ўрганиш тўғрилигини таъкидлайди¹⁶.

Шу бобнинг “Сеҳрли-фантастик эртақларда сирли предметлар образининг келиб чиқиш асослари” номли учинчи фаслида эртақларда ғаройиб предметлар образининг шаклланишида қадимги инсонларнинг анимистик, тотемистик, фетишистик, магик ва шомонистик қарашлари катта

¹⁴ Bottigheimer R. Magic tales and fairy tale magic: from Ancient Egypt to the Italian Renaissance. – London, 2014.

¹⁵ <https://gigafox.ru/uz/eko/motiv-v-literaturnom-proizvedenii-raznoobrazie-motivov/>

¹⁶ Пропп В. Морфология волшебной сказки. – Москва:Азбука-Аттикус, 1986. – С.11.

таъсир кўрсатганлиги очиб берилади. Анимизм қадимги дунёқарашлардан бири бўлиб, рух ва жонларга ишонишдир. Инглиз этнографи ва культурологи Эдвард Тайлор анимизм тушунчасини фанга киритган бўлиб, уни умуман дин ривожланишининг дастлабки босқичи деб таърифлаган. Э.Тайлорнинг фикрича, барча динлар анимистик қарашлардан келиб чиққан¹⁷.

Қадимги кишиларнинг рух абадийлиги, аجدодлар култи билан боғлиқ анимистик қарашлари асосида халқ эртакларида сеҳрли суяк образлантирилиши келиб чиққан. Бунда яна инсонларнинг бошга нисбатан эътиқодий қарашлари ҳам намоён бўлади. Шулар асосида баъзи эртакларда калла суягининг ғаройиб, сирли кўринишда тасвирланиши кузатилади. Айтайлик, “Сирли гиламча” номли ўзбек халқ эртагида бош суягининг талқонидан қиз ҳомиладор бўлиб қолади¹⁸. Бош суягининг бундай ғаройиб хусусияти билан боғлиқ эпик мотив талқини эса ўз тарихий асосларига эга. Негаки, қадимда “калла суяги култи”га сиғинилган. Бу эътиқод қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолганлигини айрим хонадон эгаларининг дарвозаси тепасига кўчқор калла суягини осиб қўйгани мисолида асослаш мумкин.

Суяк билан боғлиқ анимизмга туташ белгилар инглиз халқ эртакларида ҳам учрайди. Масалан, инглиз халқ эртаги “Three cows” (Уч сугир)да ўлган сугирнинг суяклари бир жойга йиғилиб, териси билан бирга қўйиб таёк билан урилганда, сугир қайта тирилади¹⁹. “Binnorie” (Биннори) эртагида ўлган қизнинг суяклари ва сочидан арфа чалувчи арфа ясайди ва бу арфа тилга кириб, қизнинг қандай ва ким томонидан ўлдирилганлигини айтиб беради²⁰.

Қадимги одам баъзи жонзотларни ва қушларни култ даражасида илоҳийлаштириб, эътиқод тимсолига айлантиришган. Бундай тотемистик қарашлар эртакларда кўпинча бирор ҳайвоннинг суяги ёки жуни (қили, ёли), айрим қуш ёки паррандининг патини сеҳрли предмет сифатида тасвирлашда намоён бўлади. Агар улар тутатилса, ўша ҳайвон ёки қуш дарҳол ҳозир бўлиб, эпик қаҳрамонга ёрдам беради, унинг ҳар қандай мушкулини осон қилади. Бунга инглиз халқ эртаклари “Three Feathers” (Уч қуш пати), “Yellery Brown” (Жигар ранг) даги *қуш пати* ва *соч* образлари, ўзбек халқ эртаклари “Эркенжа”, “Сахий ва бахил”, “Эркажон” эртакларидаги *от ёли*, *эчки ёли*, *чигиртка туки*, *чивиннинг қаноти*, *каламуш жуни* каби сеҳрли образлар мисол бўла олади. Айрим эртакларда сеҳрли ўсимлик, сеҳрли гул, сеҳрли таёкча образи учрайди. Масалан, “Princess of Colchester” (Колчестер маликаси)эртагида қаҳрамонга тўсиқларни енгишга ёрдам берадиган *сеҳрли таёкча* образи, “Tulip bed” (Лолазор) эртагида қўшиқ куйлайдиган ва ҳеч қачон қуримайдиган *лолалар* образи келтирилган. Ўзбек халқининг “Орзижон билан Қамбаржон” эртагида кўр кўзни очадиган *сеҳрли гиёҳ* образи учрайди.

Эртакларда қадимги инсонларнинг жонсиз нарсаларни жонли деб англаши, уларда ғайритабиий хусусият мавжуд бўлишига ишониши ва

¹⁷ Tylor E.V. Primitive Culture. – London, 1871. – P.385.

¹⁸ Сирли гиламча. Ўзбек халқ фантастикаси. V-китоб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.175.

¹⁹ Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – P.248.

²⁰ Jacobs J. English fairy tales and more English fairy tales. – London, 2002. – P.44.

сиғиниши бадий акс эттирилган бўлиб, бу фетишизмга бориб тақалади. Турли тош, дарахт, темир, мато буюмлар ва бошқа моддий нарсалар сиғиниш объекти сифатида фетиш ролини бажара олади.

Ибтидоий инсон сеҳрли предметлар орқали борлиқни, ўз моддий турмуш тарзини ўзгартиришга, атрофини ўраб олган оламнинг даҳшатли кучларига қарши курашда улар мададкор, ёрдамчи бўлишига ишонган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Инглиз ва ўзбек халқ эртақларида сеҳрли предметлар образи тизими ва таснифи”** деб номланиб, ушбу бобда биз сеҳрли предметларни тўртта гуруҳга бўлиб тасниф қилдик. Инглиз ва ўзбек халқ эртақларида тўкин ва фаровон турмуш, қулай ва бахтли ҳаёт ҳақидаги юксак орзу-интилишлари кийим-кечак, безак ва тақинчоқ, уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқат ва егуликлар, жанг қуроллари ва мусиқа асбоблари шаклидаги сеҳрли предметлар образининг пайдо бўлишига олиб келган.

Бобнинг илк қисми “Инглиз ва ўзбек эртақларида сеҳрли кийим-кечак, тақинчоқ, безак буюмлари образи” деб аталган бўлиб, бу фаслда иккала халқ эртақларида учрайдиган сеҳрли кийим, тақинчоқ ва безак буюмлари таҳлил қилинади. Кийиниш одамларни ўзларини ижтимоий, жинсий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан танитишларига имкон беради. Сеҳрли кийим-кечаклар, уларнинг сеҳрли матолардан тўқилганлиги ёки тикилганлигини эътироф этиш қадимдан халқ оғзаки ижоди намуналарига хосдир.

Жаҳон халқлари эртақларида тақинчоқ ва безак буюмлари ҳам турли бадий-эстетик маъно ва ижтимоий вазифаларда қўлланилиши кузатилади. Улар ҳам, аввало, инсон мушкулларини осон этувчи, унга бахт ва омад келтирувчи кўмакчи тилсим предмет сифатида ишлатилган.

Инглиз эртақларидан “Jack the Giant-Killer” эртагида *magic coat* (сеҳрли тўн), *slippers* (шиппак), *cap* (бош кийими), “Black Bull of Norroway” да *iron shoes* (темир оёқ кийими), *shirt* (эркаклар кўйлаги), “Tattercoats”, “Cindermaid” эртақларида *dress/clothes* (аёллар кўйлаги), *golden shoes*, *silver shoes* (олтин ва кумуш туфли) “The Story of Sir Balin”да *mantle*(мантия), “Princess and the Fool”да *coat* (пальто), “Nix Nought Nothing”да *comb* (тароқ), *hair dagger* (соч тўғноғич), “Master and his Pupil”да *mirror* (ойна), *shell* (чиганоқ), “Jack and his Golden Snuff-Box” эртагида *snuff-box* (тамакидон), “Molly Whuppy” эртагида *ring* (узук), *purse* (ҳамён), “Fairly Ointment”, “Magic Ointment”да *ointment* (суртма) каби предметлар образлантирилган бўлса, ўзбек халқ эртақларидан “Дев пўстин”да *пўстин*, “Илон подшо”да *тароқ*, “Муркумомо”эртагида *қалпоқ*, “Ойпари”, “Ямоқчи”, “Қорасоч пари”, “Қирқ куёв”, “Сеҳрли шамчироқ” эртақларида *узук*, “Булбулигўё”да *рўмол*, “Орзижон ва Қамбаржон”да *нигин*, *паранжи*, “Кимёгар бойнинг ўғли”да *халта*, *кулоҳ* “Гуллар сири”, “Маликаи Гулизор”, “Султонхон”, “Кенжа қиз”, “Кунўғил ва Ойпари”, “Фарход ва Ширин”, “Камбағал қиз”да *ойна*, “Кулса-гул, йиғласа-дур” эртагида *булоқи*, “Олтин ковуш” эртагида *ковуш* сингариларни учратиш мумкин. Уларнинг ёрдамида

оддий одам кучли одамга айланади ёхуд кўзга кўринмас ҳолатга киради, узоқ манзили яқин бўлади.

Иккинчи бобнинг “Ғаройиб хусусиятли озиқ-овқатлар образи” фаслида инглиз ва ўзбек эртакларидаги сеҳрли егуликлар қиёсланиб, таҳлил қилинган. Овқат, овқат қолдиқлари, овқатланиш ҳолатлари билан боғлиқ алоҳида табулар амал қилганлиги сабабли қадимги инсонлар егуликларнинг сеҳр-жодуси борлигига ишонган. Мана шундай қарашлар туфайли эртакларда сеҳрли озиқ-овқатлар, егуликлар ва ичимликлар образи пайдо бўлган. Улар орқали инсоннинг орзу-истаклари мотивлаштирилгани англашилади.

Инглизларнинг “Wee Bannock” эртагида “*bannock*” – юпка қилиб ёрмадан пиширилган *сеҳрли нон*, “Johnny Cake” эртагида *Magic johnny cake* (*ғаройиб бўғирсоқ*), “The Old Witch” ва “The Wicked Witch”да *bread* (*нон*), “*Jack and the Beanstalk*”да *magic beans* (*сеҳрли ловия*), *egg* (*тухум*), “The King of England’s Three Sons”да *apple* (*олма*), “Black Bull of Norrroway”да *pear* (*нок*), *apple* (*олма*), *plum* (*олхўри*), “The Well of Saint Ludgvan”да *water* (*сув*), “The Parson and the Clerk” да *magical drink* (*сеҳрли ичимлик*), “*Three Heads of the Well*”эртагида *water* (*сув*)образлари ғаройиб хусусиятлар касб этса, ўзбек халқ эртаклари “Оч бўри”да кулча, “Ниёзбой ва Аёзбой” эртагида *сеҳрли сув* ва *сеҳрли олма*, “Опа-сингиллар” ва “Опа-ука”да *сеҳрли сув*, “Илон оға” да *сеҳрли қатик*, “Олтин тарвуз”да *тарвуз*, “Рустамзод ва Шерзод”да *тухум*, “Зар кокилли йигит”, “Гулиқаҳқаҳ”, “Сеҳрли олма”да *олма* образлари сеҳрли хусусиятларини намоён этади.

Икки халқ эртакларидаги тилсим уй-рўзғор буюмларига бағишланган фаслда инглиз эртакларида *magic oven* (*сеҳрли печь*), *chimney* (*мўри*), *broom* (*сунурғи*), *caldron* (*қозон*), *pottle* (*идиш*), *table* (*стол*), *door* (*эшик*), *window* (*дераза*), *chair* (*стул*), *broom* (*сунурғи*), *flask* (*шиша идиш*), *bottle* (*шиша*), *pot* (*қозон*) сингари предметлар, ўзбек эртакларида эса *сеҳрли гилам*, *ойна*, *тос*, *каравот*, *сопол товоқ*, *қозон*, *супра*, *болта*, *очилдастурхон*, *қайнар хумча* каби буюмлар ва уларнинг сеҳрли хусусиятлари ёритилди.

“Тилсимли қурол-яроғ ва мусиқа асбоблари образи” деб номланган тўртинчи фаслда инглиз эртакларида учрайдиган *magic sword* (*қилич*), *knife* (*пичоқ*), *dagger* (*ханжар*), *spear* (*найза*), *pipe* (*дудка*), *trumpet* (*карнай*), *harp* (*арфа*), *whistle* (*хуштак*) образлари ҳамда ўзбек эртакларида учрайдиган *сеҳрли қилич*, *пичоқ*, сингари жанг қурол-яроғлари, ҳамда тилсимли *хуштак*, *сурнайча*, *най*, *датор* каби чолғу-мусиқа асбоблари ҳақида сўз юритилди.

Тадқиқот жараёнида 200 та инглиз ва 200 та ўзбек халқ эртаклари таҳлилга тортилди. Шулардан 72 та ўзбек ва 70 та инглиз эртакларида сеҳрли предметлар иштироки кузатилди. Статистик таҳлилимиз шуни кўрсатдики, сеҳрли кийим-кечак ва безак буюмлари ҳамда сеҳрли уй-рўзғор буюмлари образи ўзбек халқ эртакларида инглиз халқ эртакларига нисбатан кўпроқ миқдорни ташкил этади, сеҳрли егуликлар, ғаройиб қурол-яроғ ва мусиқа асбоблари образлари ва бу гуруҳларга кирмайдиган ғаройиб буюмлар образлари эса инглиз халқ эртакларида ўзбек халқ эртакларига нисбатан кўпроқ кузатилиб, таҳлил қилинди.

“Инглиз ва ўзбек эртақларидаги сеҳрли предметларда миллий маданиятнинг ифодаси ва поэтик вазифадошлик” номли учинчи боб “Инглиз ҳамда ўзбек эртақларидаги магик буюмларда миллий маданиятнинг акс этиши” ва “Инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги ғаройиб предметларга алоқадор мотивлар ҳамда вазифадош сеҳрли предметлар образлари” деб номланган икки фаслдан иборат. Унинг биринчи фаслида инглиз ва ўзбек эртақларига алоқадор сеҳрли предметларда миллий маданиятнинг намоён бўлиши таҳлил қилинди.

Халқ эртақларида ҳар бир халқнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи, маросимлари, эътиқодий қарашлари намоён бўлади. Шуниси билан улар ўша халқнинг ментал хусусиятларини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтай олади. Ҳаёт, географик муҳит, маданий турмуш миллийликни ўзида тўла ифода этиб келадиган хусусиятлар сирасига киради. Ҳ.Юсупова таъкидлаб ўтганидек: “Миллийликнинг энг аниқ акс эттирувчилари халқ эртақлари ҳисобланади”²¹.

Ғарб ва Шарқ маданияти ва қадриятларини намоён этувчи икки халқ — инглиз ҳамда ўзбек эртақларида ўзига хос, миллийлик ва маданият билан боғлиқ сеҳрли предметлар учрайдики, уларда ҳар иккала халқнинг миллий-маданий хусусияти яққол кўриниб туради.

²¹ Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2011. – Р. 26.

Ўзбек халқ эртақларида *сеҳрли ковуш, паранжи, рўмол, кулоҳ, пиёла, супра, пўстин, дутор, най, кулча, булоқи, сандиқ* каби миллий хусусиятга эга буюмлар образлантирилган бўлса, инглиз эртақларида инглиз ва Европа маданиятидан дарак берувчи *сеҳрли арфа, дудка, карнай, печь, инглиз миллий нонлари бўлмиш Жонни кейк, Беннок, инглиз пуддинги* каби буюмларнинг образлантирилгани кузатилади.

“Jack the giant killer” эртагида чалинганда жодудан халос этиш кучига эга сеҳрли карнай (magic golden trumpet), “Binnorie”, “Jack and the Beanstalk” ҳамда “Lord of Pengerswick” эртақларида *сеҳрли арфа* образи қўлланилган бўлиб, улар инглиз ва Ғарб маданиятини намоён этувчи предметлар сирасига мансублиги билан эътиборни тортади.

Миллий чолғу асбобларимиздан бири дутор ҳам образлантирилган ҳолда ўзбек халқ эртагида келтирилган. “Уч авлиё” эртагида сеҳрли дутор образи келтирилган бўлиб, бу дуторни чалганда, унинг куйини эшитган киши маст бўлиб ухлаб қоларди²².

Миллий таом ва егуликлар ҳам маданият ва анъаналар белгиси бўлиб ҳисобланади. Ўзбек эртақларида ўзбекларнинг миллий нони *кулча* образлантирилган бўлса, инглизларда Англия, Шотландия ва Ирландиянинг анъанавий егуликларидан бўлмиш *Johnny Cake* (Жонни кейк), *Bannock* (Беннок) ва *Pudding* (инглиз пуддинги) образлари келтирилган.

Таҳлил қилган эртақларимизда ғаройиб буюмларнинг миллий маданиятни ҳам эксплицит, ҳам имлицит жиҳатдан ифодалашини кузатдик. Баъзи предметларда инглиз ёки ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, Ғарб ёки Шарқ маданияти яққол кўриниб турса, баъзиларининг миллийлик касб этиши улар билан алоқадор мотивлар, маросимлар, тарихий воқеалар, диний қадриятлар ва жой номларидан англашилди. Масалан, “Prince Prigio” эртагида бош қаҳрамон бўлган шахзода чўқинтирилганда, унга парилар томонидан бир нечта сеҳрли предмет совға қилинади. Эртақдаги сеҳрли предметлар кўпроқ миллийликни кўрсатиш мақсадида ишлатилган. Мазкур асарнинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда Англия тарихи билан алоқадор кўп нарсалар тасвирланган. Бу сеҳрли предметлар: ҳеч қачон бўшамайдиган *сеҳрли ҳамён, оёқ кийими*, кийганда кўринмас қиладиган, тилакларни бажарадиган *қалпоқ*, хоҳлаган ерига элтадиган *гилам*, аждарни топишга ёрдам бера олувчи фил суягидан қилинган *дурбин* ва ҳамма нарсани кесадиган *қилич* эди. Бу буюмлар Приджиога келажакда қирол бўлишга ёрдам беради. Эртақдаги чўқинтириш ва черков билан боғлиқ ҳолатлар Англияда кенг тарқалган Христиан дини белгилари бўлиб, халқнинг диний қадриятларини яққол намоён этади.

В.Гумбольдт ҳар бир халқнинг тилида ўша халқнинг тарихи, маданияти ва, умуман, унинг бутун руҳий дунёси намоён бўлишини таъкидлайди²³. Худди шу нарса халқ тилининг махсули бўлган эртақларда яққол кўринади.

²² <https://ziyouz.uz/uzbek-xalq-ogzaki-ijodi/uzbek-xalq-ertaklari/uch-avliyo/>

²³ Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2007. – Б.56.

